# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi · www.qishloqhayoti.uz · 2013-YIL 18-IYUN, SESHANBA, 74 (8155)-son · 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan · Bahosi kelishilgan narxda.


## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

## ИСТИҚЛОЛ – ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

**“Энг улуғ, энг азиз” республика танлови ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Танловни Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларга мутаносиб равишда юксак савияда ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказилаётган “Энг улуғ, энг азиз” республика танлови адабиёт, босма оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио, тасвирий, фото ва кино санъати ижодкорларининг истиқлолни, табаррук Ватанимизни, барча жабҳалардаги ислоҳотлар бераётган юксак самараларнинг аҳамиятини тараннум этувчи асарларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бу йилги танлов “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этади. Ижодий ишларда истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқлар, мустақиллигимиз барча фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили экани, ўтган даврда халқимизнинг матонати, мустаҳкам иродаси ва қатъияти орқали Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан эгаллаган ўрни тобора мустаҳакамланиб бораётгани акс эттирилиши зарур. Қишлоқ аҳли учун яратилаётган қулайликлар, ёшлар, хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак меҳр ва ғамхўрлик, мустақил, янгича тафаккурга эга авлоднинг шаклланаётгани, “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасидаги эзгу ишларнинг ёритилиши танловнинг асосий талабларидандир.

Йиғилишда “Энг улуғ, энг азиз” республика танловининг ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланиб, ҳудудий босқичларни ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

**ЎзА**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Сурхондарё Вилояти

Президентимиз Ислом Каримов томонидан маҳаллий ноозиқ-овқат маҳсулотлари ярмарка савдоларини ташкил этиш, ишлаб чиқарувчиларни муносиб рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор саноат ривожида муҳим омил бўлмоқда.



Бундай имкониятлардан Сурхондарё вилоятидаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам самарали фойдаланиб, юқори натижаларга эришмоқда. Буни Термиз шаҳридаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Буюк Британия “Грандшифер” қўшма корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу қўшма корхонада қурилишбоп материаллар ишлаб чиқарилади. Замонавий технология асосида тайёрланаётган шифер, черепица ва профнастил профиллар арзон ва сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

– Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реализация қилишда юртимизда ташкил этилаётган ярмарка савдолари муҳим аҳамият касб этаётир, – дейди қўшма корхона раҳбари Улуғбек Эргашев. – Ярмаркаларда фаол иштирок этиб, маҳсулотларимизни кенг намойиш этаётганимиз буюртмачилар сафини кенгайтиришга хизмат қилаётир. Бу бизга корхонамизни техник-технологик янгилаш, ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Айни пайтда қўшма корхонада 120 киши меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида корхонада 13,5 миллиард сўмликдан ортиқ қурилишбоп материаллар ишлаб чиқарилди. Эътиборлиси, маҳсулотларнинг асосий қисми ярмарка савдоларида тузилган шартномаларга мувофиқ буюртмачиларга етказиб берилди.

Жорий йилда қўшма корхона кенгайтирилиб, ўн миллион АҚШ доллари қийматидаги замонавий технология билан жиҳозланади, 235 янги иш ўрни яратилади. Корхона мутахассисларининг айтишича, мазкур модернизация ишлари газ ва электр энергиясини сезиларли даражада тежаш имконини беради.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бухоро Вилояти

## МАҚСАД — СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

**Бир неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) ўртасидаги ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимиз сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолиятини кенгайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бебаҳо неъмат ҳисобланган сувни истеъмолчилар ўртасида оқилона тақсимлаш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.**

“Аму-Бухоро” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида ташкил этилган “Сув истеъмолчилари уюшмаларини ривожлантириш учун бизнес режа тузиш ва бюджет ҳисоби” мавзуидаги амалий семинар ҳам шундай тадбирларнинг навбатдагисидир. Унда Фарғона, Наманган, Жиззах, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан сув истеъмолчилари ҳисобчилари, тафтишчи ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Улар СИУларда молиявий бошқарувнинг вазифалари, қайдномалар ва бухгалтерия китобининг юритилиши, бюджет ва ирригация хизматлари учун тўловларга оид мавзулар бўйича маърузалар қилишди. Шунингдек, бу борада вилоятларда тўпланган тажрибалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбир қатнашчилари Жондор туманидаги “Юртим истиқлол”, “Жамият ойдин” ва “Жондорлик мироб” каби сув истеъмолчилари уюшмаларида ҳам бўлиб, бу ерларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

**Ҳамроз АЛИ**




Наманган Вилояти

## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСА ОЛАДИ

**Чуст туманидаги “БТ-2001” масъулияти чекланган жамиятида ҳам замонавий технология асосида халқ истеъмоли моллари тайёрланмоқда. Шу боис, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди.**

Айни вақтда мазкур корхонада 55 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда. Улар томонидан 30 дан ортиқ турдаги металл маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Саноат корхоналарини маҳаллийлаштириш Дастури доирасида корхонамизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди корхона муҳандиси Собиржон Қодиров. — Саноат корхоналарининг 2014 йил январь ойига қадар ягона солиқ тўловидан озод этилгани янги имкониятлар эшикларини очиб бермоқда. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўтган йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрига хизмат сафари уюштирдик. У ердан “Металл сиртига голваник қоплам бериш” линиясини олиб келиш учун ўзаро шартнома туздик. Лойиҳани амалга ошириш учун “Миллий банк”нинг Чуст тумани бўлимидан 130 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит олдик. Хитойлик ҳамкорларимиз мазкур линияни ўзлари келтириб ўрнатишди, синовдан муваффақиятли ўтказиб беришди. Янги линиямизда ишлаб чиқарилаётган металл маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида улар сиртига никел, рух ҳамда тилла ранги берилади. Натижада ярим тайёр маҳсулот тайёр маҳсулотга айланади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

НаВоий Вилояти

## ИШ ЎРНИ ҲАМ, ДАРОМАД ҲАМ ОРТМОҚДА

**Навоий шаҳридаги “Baht-textile” қўшма корхонаси илғор ишлаб чиқариш объектларидан биридир.**



Дилмурод НУРХОНОВ олган сурат.

– Корхонамиз Германия, Швейцария, Италия давлатларининг замонавий технологиялари билан жиҳозланган, – дейди корхона бош директори Фурқат Турсунов. – Жамоамизда айни пайтда 530 нафар ишчи-ходим меҳнат қилиб, 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларимизнинг аксарият қисми экспорт қилинаётир. Корхонамизда техник ва технологик янгиланишларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг биринчи чорагида тайёр трикотаж мато ишлаб чиқариш цехи ташкил қилинди. Бу ерда хориждан олиб келинган янги технология асосида йилига 900 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

Юксалиб бораётган корхонада келажакда матога ранг бериш ҳамда тайёр кийимлар ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилмоқда.

– Дарҳақиқат, янги дастгоҳлар ўрнатилгач, яна 50 дан ортиқ иш ўрни яратилди, – дейди цех бошлиғининг ёрдамчиси Шамсиддин Шаропов. – Ишчи-ходимларнинг 70 фоизини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Корхонанинг келгусидаги режалари янада улкан. Қўшимча иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш шулар жумласидандир.

**Азимжон ХУШВАҚОВ**

Тошкент Вилояти

## ПИСКОМ УСТИДА ЯНГИ КЎПРИК

**Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудидаги Мулало ва Узун маҳаллаларини ажратиб турувчи Писком дарёси устига янги кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Ушбу иншоотни бунёд этиш учун 152 миллион 341 минг сўм маблағ сарфланди. Пудрат ишларини “Бурчмулла” ўрмон хўжалиги жамоаси амалга оширди.

— Янги кўприкнинг фойдаланишга топширилгани дарё бўйи аҳолиси учун жуда катта қулайлик бўлди, — дейди саксон ёшли меҳнат фахрийси Ҳамид ота Исоқулов. — Сабаби, шу вақтгача фойдаланиб келинган кўприк ҳашар йўли билан қурилган эди. У сел ва тошқин пайтларида таъмирталаб бўлиб қолар, катта ташвиш туғдирарди.

**Иброҳим ТОШЕВ**

▼ «ҒАЛЛА – 2013»

Андижон Вилояти



**Олтинкўл туманидаги “Истиқлол” фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Режапов ўзига талабчан деҳқон сифатида эътибор топган. У барча агротехник тадбирни юқори сифат билан бажаришга, омилкор фермерлар, мутахассислар тажрибаси ва тавсиясига доимий амал қилишга одатланган.**

## ОМИЛКОРЛИК ЮКСАК ХИРМОНДА НАМОЁН

Жорий йилда хўжаликдаги 40,5 гектар майдонда ғалланинг “Таня” нави парвариш қилинди. Фермерга супер элита уруғликни етказиб берган Андижондаги Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда ишлаш ўз самарасини кўрсатди.

Барча майдонларга мақбул муддатларда уруғ сепилиб, ундириб олингани, тупланган ҳолда тиним даврига киритилгани фермернинг дастлабки ютуғи бўлди. Майсаларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан тўйинтириш, барги орқали сифатли озиқлантириш яхши натижа берди. Фермер хўжалиги ихтиёрида фекал ташувчи машина ҳамда ОВХ пуркагичи борлиги бу борада узилишлар бўлмаслигини таъминлади. Бегона ўтларга қарши сепилган гербицид далани тоза сақлашга шароит яратган бўлса, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши изчил кураш доннинг тўлиқ бўлишини кафолатлади.

Тоҳиржон Режаповнинг ғаллазорлари Андижон-Наманган магистраль йўлига туташ. Ўрим-йиғим чоғида фермернинг даласида бўлдик. Комбайнларнинг ишлашини кузатдик. Ёдгорбек Рўзиматов раҳбарлик қилаётган отряд комбайнчилари — Сойибжон Халилов ва Мақсудали Мўминовнинг эътироф этишича, ҳосилнинг чўғи баланд.

Айни вақтда ўрим-йиғим ўтказилган далада сомонни йиғиштириш ҳамда ёзги шудгорга тайёргарлик қизғин бормоқда. Тоҳиржон Режапов бошлиқ жамоа ғўзага ҳам худди ғаллазорга қарагандек меҳр билан қараб, мўл ҳосил етиштиришга бор кучини сарфламоқда.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

## ЎРИМ-ЙИҒИМДА ҲАР СОНИЯ ҒАНИМАТ

**Қарши туманидаги “Ҳамроев Бўри Собирович” фермер хўжалиги деҳқонлари 48 гектар майдонда буғдойнинг “Краснодар-99” навидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар майдондан 66 центнердан ҳосил саранжомланди.**

Қарши тумани муқобил машина-трактор паркига қарашли учта комбайн юксак унум билан ишлатилди. Фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Ҳамроевнинг таъкидлашича, давлатга кўзда тутилган 170 тонна ўрнига 200 тоннадан ортиқ сара дон сотилди.

Дарҳақиқат, тумандаги Кожар қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 44 та фермер хўжалигида ўрим-йиғимда юқори кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда. “Абдураимов Ғани”, “Эшнаев Толмас”, “Тошпўлатов Жасур”, “Абдиев Мажид” фермер хўжаликларида ҳам ҳосилдорликда юқори натижаларга эришилмоқда. Мазкур қишлоқ мулкдорлари ҳозиргача ҳар гектар майдондан 60-65 центнердан ҳосил кўтардилар.

– Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги кенг нишонланадиган йилда катта мақсадларни дилга тукканмиз, – дейди Қарши тумани ҳокими Ҳасан Омонов. – 14 минг 500 гектар майдонда 88 минг тонна дон етиштириб, шунинг 45 тоннасини давлатга сотамиз. Айни пайтда 11 та отрядга уюшган 34 та юқори унумли комбайн, 160 та донни ташиш автомашиналари кучидан самарали фойдаланаяпмиз. Дастлаб кунига 1000-1200 тонна дон топширган бўлсак, бу рақам ҳозирги кунда 1,5-2 минг тоннага яқинлашиб қолди. Туманимиздаги мавжуд 564 та фермер хўжаликларининг фидойи меҳнати туфайли кунлик ўрим-йиғим 550-600 гектарни ташкил этмоқда.

Донни тез ва соз ўриб-йиғиб олишда тумандаги “Ўзбекистон мустақиллиги”, “Истиқлол”, “Чўли ота”, “Намуна”, “Ипак йўли”, “Қовчин”, “Ҳилол” каби ҳудудлар ғаллакорлари алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. “Панжи Гелдиев”, “Шавкат ўғли Дилшод”, “Бектемир ўғли Сайрам”, “Муродулла Нормуродов” сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликда юқори натижаларга эришишяпти.

Вилоятнинг бошқа туманларидаги фермер хўжаликларида ҳам ўрим-йиғим уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Косон, Касби, Муборак, Миришкор ва Нишон туманлари деҳқонлари суръат ва сифатда юқори кўрсаткичларни қайд этишмоқда.

Қашқадарёлик ғаллакорлар жорий йилда 145 минг гектар суғориладиган, 63 минг гектар лалми ерларда мўл ҳосил етиштирдилар. 124 та ўрим-йиғим отряди ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирига комбайн, дон ташиш транспортлари ва бошқа хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган турли техника воситалари бириктирилган. Ўрим-йиғимга 377 та юқори унумли комбайн жалб этилган.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

# КЎП ТАРМОҚДА ҲИКМАТ КЎП

## БУ, ЭНГ АВВАЛО, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

**Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фаолиятимизни янада ривожлантириш, янгича иш ташкил этиш ва шижоат билан меҳнат қилишга ундади.**

**Тожи РАҲМАТОВ,**
*Ғузор тумани фермерлар кенгаши раиси.*

Айни пайтда туманимиз пахтакорлари ғўзанинг "Бухоро-8", "Беш қаҳрамон" навларидан ўртача 22 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтариш йўлида астойдил меҳнат қилишяпти. Ривожланишдан орқада қолган 500 гектар майдондаги ғўзага қўшимча ишлов, озуқа орқали унинг ривожи тезлашди. Ғаллакорлар ҳам ўрим-йиғимни қисқа муддатда ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Фермер хўжаликларида паррандачилик, боғдорчилик, асаларичилик, балиқчилик, сабзавотчилик сингари тармоқларни ривожлантириш билан бирга қишлоққа қайта ишлаш саноатини олиб кириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тумандаги Ғайрат Пўлатов бошлиқ "Истиқлол" фермер хўжалиги жамоаси барча хайрли ишларнинг ташаббускори ҳисобланади. Улар жорий йилда 50 гектар майдонда мевали боғ барпо этдилар. Бир гектар майдондаги иссиқхонада 100 тоннадан ортиқ бодринг етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ этилди. Бу ерда мевани қайта ишлайдиган цехни модернизация қилиш учун амалий ишлар бошлаб юборилди. Цех ишга тушгач, дастлаб бир кеча-кундузда 3,5 тонна, кейинчалик 10 тонна мевани қайта ишлайди. Натижада 40 та янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, мазкур фермер хўжалигида 400 тонна мева ва сабзавотни сақлайдиган совиткич ҳам ўрнатиляпти. Бу эса йил давомида нознеъматларни бир хил ҳолатда истеъмолчиларга етказиб бериш имконини беради.

Тумандаги "Тўра бобо" фермер хўжалигида чорвачилик равнақ топмоқда. Бу ерда хориждан сутни қайта ишлаш технологияси олиб келиш учун барча ҳужжатлар тайёрланди. Чорвачиликни ривожлантириш орқали 12 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда ушбу фермер хўжалигида юз бош қорамол парвариш қилинмоқда. Бундан ташқари, тумандаги "Қодиров Отаназар" фермер хўжалигида паррандачиликни тараққий эттириш борасида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. 2009 йилда қишлоқ мулкдори беш минг бош паррандага мўлжалланган цехни барпо этган бўлса, ҳозирги кунда яна шунча миқдордаги товуқни парвариш қилиш учун қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда бу ерда 30 нафар йигит-қиз ишлаяпти.

Туманимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳам ташкил этилди. 17 та боғдорчилик, 24 та чорвачилик, 3 та балиқчилик фермер хўжаликларига асос солинди. "Бозоров Хайрулла", "Аслиддинов Орифжон", "Очилов Саййид" фермер хўжаликларида балиқчилик фермер хўжалиги ташкил этилиб, ўнта иш ўрни яратилди. Шунингдек, еттита асаларичилик фермер хўжалиги тузилди. "Ботиров Эргаш", "Убайдуллаев Ориф", "Убайдуллаев Тоир", "Тўрақулов Тоир", "Аллаев Одил", "Муродов Улуғбек" фермер хўжаликларида кўплаб иш ўринлари юзага келди. "Файзуллаев Олимжон Бахтиёрович" фермер хўжалигида 2 гектар, "Истиқлол" фермер хўжалигида 3 гектар, "Бурхон" фермер хўжалигида 5 гектар, жами 12 та фермер хўжаликларида сабзавотчилик тармоқлари ташкил этилди. Натижада 93 нафар ёш ижтимоий фойдали меҳнатга тортилди. Бундан ташқари, чорвачилик бўйича 22 та фермер хўжалиги тузилиб, 75 та янги иш ўрни юзага келди.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар ташкил этилиши туфайли 400 га яқин иш ўринлари яратилди. Бу эса, энг аввало, касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган ёшларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда. 2011-2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 463 нафар йигит-қизлар иш билан таъминланган бўлса, жорий йилда 540 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланади. Бу жараёнда фермер хўжаликларида тармоқларни кенгайтиришнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Сирасини айтганда, Юртбошимизнинг Фармони зиммамиздаги масъулиятни оширib, ишга янгича ёндашиб, эл дастурхони мўл-кўллигига муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

*"Истиқлол" фермер хўжалигининг иссиқхонаси эл дастурхони тўкинлигига хизмат қилмоқда.*

Бухоро Вилояти

ПАХТАЧИЛИК

**Ғўза мустаҳкам илдиз отиб, кундан-кунга бўй кўрсатиб бораётган айни пайтда пахтачиликда ўзига хос тажриба тўплаган бухоролик деҳқонлар экин парваришига, аниқроғи, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суспензия сепиш орқали экинларни баргидан озиқлантириш каби агротехник тадбирларга катта эътибор қаратмоқда.**

# МИРИШКОРЛАР МЕҲРИ ОФТОБ ҲАРОРАТИДЕК ИССИҚ

Бу йил вилоятда мазкур агротехник тадбирларни ўтказишда 2815 та культиватор, 1725 та чуқур юмшаткич ва 212 та суспензия сепиш мосламаларидан фойдаланилмоқда. Ҳар бир чопиқ трактори билан кунига ўртача 4 гектардаги ғўза қатор ораларига ишлов берилаётган бўлса, чуқур юмшаткичларнинг иш унуми 4,4 гектарга тўғри келяпти. 7500-7800 гектардан ортиқ майдондаги экинларни эса баргидан озиқлантиришга эришиляпти.

"Бухороагромашсервистаъминот" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ҳамид Розиқовнинг таъкидлашича, вилоятга Тошкент агрегат заводидан культиваторларга ўрнатиладиган ПЖХ-4 русумли суспензия сепиш мосламаси келтирилгани бу борадаги ишларда ижобий самара бераётир.

Асосий майдонлардаги ғўза экинлари шоналаш босқичида ривожланяпти. Экинларни жавзо сувига қондириш ҳам зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилган.

— Ўрик пишганда ғўзалар гул кўрсатарди, — дейди тажрибали деҳқон Илёс Рустамов. — Ғўза иссиқсевар ўсимлик. Бу йилги обҳавонинг бироз салқин келгани сабабли, ўрик пишса ҳам, ғўзаларимиз гул кўрсатмади. Ҳарорат етишмаганидан уларнинг ривожланиши бироз кечикди. Хўш, шундай кезларда қандай агротехника тадбирини қўллаш лозим?

— Аввало, ғўза илдизига қуёш ҳароратининг кўпроқ етиб боришини таъминлаш зарур, — дейди мутахассис Амрулло Ҳамроев. — Бунинг учун ғўза қатор ораларига куннинг иссиқ вақтида ишлов бериш, чуқур юмшаткич ўтказиш, экинни суспезия сепиш орқали баргидан, белгиланган минерал ўғитлар билан илдизидан озиқлантириш лозим. Бу борада деҳқонларимиз ўзларининг бор маҳоратларини ишга солишлари даркор.

— Ишлов, озиқлантириш, суғориш каби тадбирларни юқори даражада ўтказиш мўл ҳосилга пойдевордир, — дейди Ғиждувон туманидаги "Иззатулло бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ҳаёт Иззатуллаев. — Июнь-август ойлари ғўза парваришида муҳим палла ҳисобланади. Бу кезларда деҳқон ҳар куни ер билан тиллашиши, экин билан сирлашиши керак.

Ҳа, воҳа деҳқонларининг ана шундай саъй-ҳаракатлари эътиборга лойиқ. Улар ғўза далаларида эртапишар ва юқори ҳосил олиш умидида меҳнат қилишмоқда.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти



# КУНГАБОҚАРДАН ҲАМ КАТТА ДАРОМАД

**Дўстлик туманидаги «Ибн Муҳаммад Исмоил ал- Бухорий» фермер хўжалигида 115 гектар ерда деҳқончилик қилинади. Бу ерда пахта ва ғаллачилик билан бирга кунгабоқар етиштиришдан ҳам яхши даромад олинмоқда.**

Ўтган йили 20 гектар майдонда кунгабоқар парваришлаган хўжалик вилоятдаги "Нурли дон" масъулияти чекланган жамияти ёғ корхонасига 30 тонна кунгабоқар уруғи сотди.

– Кунгабоқар иккинчи экин сифатида ғалладан бўшаган майдонларга экилгани учун хўжалигимизга қўшимча даромад келтираётир, – дейди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Отабек Саъдуллаев. – Яна бир қулайлиги, экиш харажатлари ҳамда кунгабоқар уруғини шартномага кўра "Нурли дон" корхонаси етказиб бераётир. Шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўтган йили ҳар гектардан 15 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Бу йил ҳам 37 гектар ердаги ғалладан бўшаган майдонларга кунгабоқар экишни мўлжалламоқдамиз.

**МУХБИРИМИЗ**




## ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

Тошкент Вилояти

# ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ — ФЕРМЕР МАСЪУЛИЯТИ

**Фермерлар қишлоқда етакчи кучга айланмоқда. Қишлоққа саноатни олиб кириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам бунинг яққол далилидир. Шунинг баробарида бугун қишлоқ мулкдорларининг дунёқараши ўзгарди. Биргина мисол, уларнинг далаларини айланиб кўрсангиз, деҳқончиликда дала маданияти юксалаётганига гувоҳ бўласиз.**

— Эндиликда фаолиятимизни ҳар жиҳатдан кенгайтириш, қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш, энг муҳими, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш асосий вазифамизга айланмоқда, — дейди Зангиота туманидаги "Абдуҳаким-барака" фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Солиҳов. — Бундан буён ўзимизда етиштирилаётган маҳсулотни қайта ишлаш, ҳатто уларни экспорт қилиш борасида ҳам жиддий бош қотиряпмиз. Фермер хўжалигимиз катта эмас. 32 гектар ерда ғалла, сабзавот ва картошка етиштирамиз. Аммо бирор қарич ер ҳам эътибордан четда эмас. Ўтган йили чекка майдонларга дуккакли экинлар экиб, 6 миллион сўм даромад олган эдик. Бу йил ҳам ушбу тажрибани давом эттиряпмиз. Бундан ташқари, шу йил еримиз атрофига 2,5 минг дона терак ва 150 туп мевали дарахт кўчатларини экдик. Ҳисоблаб кўрилса, оддий теракнинг ўзидан орадан 5-6 йил ўтиб, 250 миллион сўм даромад кўриш мумкин экан.

Ҳақиқий дала маданиятига риоя қилиб иш юритаётган фермерлардан яна бири Юқори Чирчиқ туманидаги "Диёрбек-Давронбек" фермер хўжалиги раҳбари Жасур Икромовдир. Унинг даласига ташриф буюрсангиз, чор тарафга қараб кўзингиз қувнайди. Шийпондаги 20 ўринли дам олиш хонаси шинам безатилган. У барча қулайликларга эга. Ишчиларнинг овқатланиши учун 5 бош қорамол, 7 бош қўй, 20 бошдан зиёд парранда боқилмоқда. Йўл четлари, ўқариқ бўйларига ошқовоқ, мош, ловия, лавлаги экиб қўйилган. Хуллас, бир қарич бўш ётган ер йўқ. Мана сизга ҳақиқий дала маданияти. Шунинг учун ҳам тумандаги бошқа фермерлар бу ерда яратилган намунали шароит ва экин майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича тўпланган тажрибани ўрганиб кетишяпти. Чунки ушбу фермер хўжалигининг дала шийпони нафақат туманда, балки вилоятда ҳам қулайликларга эгалиги билан ажралиб туради.

— Ғалламиз тўлиқ пишиб етилди, бугун-эрта ўришга тушамиз, — дейди фермер. — Насиб этса, ҳар гектар ердан 70 центнерлик хирмон кўтаришни ният қилиб турибмиз. Ҳосилдан бўшаган майдонларнинг 2,5 гектарига картошка экишни режалаштириб турибмиз. Уруғлик тайёр. Шу билан бир қаторда балиқчилик ҳавзасини ташкил этишни режалаштиряпмиз. Мақсадимиз хўжалигимизнинг кўп тармоқли бўлишига эришиш, сафимизни янада кенгайтиришдир.

Бугун вилоятда намунали фермер хўжаликларининг кўпайиб бораётгани, уларда дала маданиятининг юксалаётгани фермерларнинг қишлоқда барча соҳада етакчи кучга айланаётганидан далолатдир.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Андижон Вилояти

**Бўз тумани марказидаги бўш ётган бинолардан бири "Агроэлитасервис-2005" фермер хўжалиги ихтиёрига берилгач, 15 миллион сўмдан зиёд сармоя ҳисобига қайта таъмирланди.**

# ҚИШЛОҚДОШЛАР МАМНУН

Фермер Ҳафизахон Собированинг саъй-ҳаракати туфайли обод ва гавжум масканга айланган ушбу мажмуа таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўкони, гўзаллик салони ҳамда келинлар либосини ижарага берувчи марказ фаолият бошлади.

Туманнинг Гулистон массивида фермер томонидан бундан икки ой илгари ишга туширилган ёғочни қайта ишловчи цехнинг мижозлари сафи ҳам тобора кенгайиб боряпти. Цехда шу кунгача янги қурилишларга бел боғлаган қишлоқдошларга 12 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**

Хоразм Вилояти

БАЛИҚЧИЛИК

**Кўллар табиатнинг инсонларга ато этган бебаҳо неъматларидан бири. Ўзининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга бўлган бу табиий сув ҳавзалари одамлардан меҳр кутади, муҳофаза қилишларига муҳтожлик сезади. Зеро, инсоннинг ўзи ҳам табиат фарзанди бўлгани боис, унинг саховатидан баҳра олиб ўсади, улғаяди.**

# КЎЛЛАР — ХАЗИНА, ГЎЗАЛЛИГИ КЎЗНИ ҚУВНАТАДИ

Қадамбой Бекметов ўқувчиларга биология фанидан сабоқ берар экан, уларнинг беғубор қалбларига ана шундай эзгуликларни сингдира билди.

— Биз истиқомат қилаётган Янгиариқ туманидаги Қўриқтом қишлоғининг ўзида илгари жуда кўп кўллар бўлиб, сўнгги 20-30 йиллар ичида эса шулардан 12 тасигина қолганди, — дейди "Маъруф Манзур" фермер хўжалиги раҳбари Рустамбой Болтаев. — Кишиларнинг кўллар атрофига турли хил экинлар, хусусан, шоли экиш баҳонасида улар сатҳи тобора кичрайиб борарди. Мустақиллигимизнинг илк йилларида барча соҳаларда бошланган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тўла англаган ўқитувчимиз маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фаоллари билан маслаҳатлашиб, мавжуд кўлларни ўз ҳолича — ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига шикаст етказмасдан сақлаб қолиш, атрофларини гўзаллаштириш, қуш ва балиқлар кўпайишига шароит яратиш ташаббуси билан чиққан эди. Ширкат хўжаликлари ерлари фермер хўжаликларига берилгач, шу кўллар негизида балиқчилик хўжаликлари ташкил қилинди. Ўқитувчимиз бошлаб берган хайрли иш, табиатга бўлган меҳр бугунги кунда яққол кўзга ташланмоқда.

Рустамбой ака олий маълумотли мутахассис бўлганлиги боис табиат хилма-хиллиги, атроф-муҳит мусаффолиги, экологик тозаликнинг инсон саломатлигига таъсирини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам фермер хўжалигига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олган. Қурамбой Отажонов, Эркинбой Болтаев каби табиат шайдолари билан биргаликда кўлда балиқ ўстириш, атрофларини ободонлаштириш, шароити бор жойларга дарахт ўтказишни йўлга қўйдилар. Улар ихтиёрида бўлган 15 гектар сув ҳавзасида сазан, леч, карп, оқбалиқ, дўнгпешона каби балиқ турлари ўстирилмоқда. Улар ҳар йили 13 тоннага яқин балиқ етиштириб, вазни 2,5-3 килограммга етганларини бозорга чиқариш орқали халқимиз дастурхонини лукмаи ҳалол билан бойитишда ўз ҳиссаларини қўшяптилар.

— Балиқларни табиий кўпайишига аҳамият қаратмоқдамиз, — дейди фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Қурамбой Отажонов. — Уларни тезроқ семиртириш мақсадида кунига бир маҳал махсус тайёрланган омихта ем берамиз. Кўлнинг табиий мувозанатини сақлашга, унда балиқлар учун озуқа бўладиган майда сув ўтлари, қамиш ва бошқа ўтларнинг кўпайишига катта эътибор бермоқдамиз. Эндиликда кўллар бир вақтлардагидек, қушлар маконига ҳам айланди. Ёввойи ўрдак, қорағоз, қирғовул, бургут каби жами 28 тур қушлар кўлимизни макон қилган. Кўпчилиги шу ерда жўжа очиб кўпайса, баъзилари қишловни кўлимизда ўтказадилар.

Мактаб ўқувчилари бу ерга тез-тез келиб, сайр қиладилар, биология фанидан олган билимларини амалий машғулотлар билан янада мустаҳкамлайдилар.

Кўлнинг бир қисмида чўртан, судак, суган, лаққа каби воҳада камайиб бораётган балиқ турларини кўпайтириш, атрофини кишилар ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантириш борасида кўрилаётган чоралар бошланган хайрли ишларнинг давомидир.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

ИНТИЛИШ

# ДАЛАСИ ОБОД ДЕҲҚОННИНГ ИШИДА БАРАКА БЎЛАДИ

**Чуст туманидаги "Мунчоқтепа" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодиржон Файзиев бизларни Ёрқишлоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган Мунчоқтепа тепалигига олиб чиқди. У ердан нафақат Ёрқишлоқ, балки теварак-атрофдаги бир неча катта-кичик қишлоқлар кафтдек кўриниб турарди. Бир тарафи Чотқол-Қурама тоғ этакларига, иккинчи томони бепоён қир-адирларга туташиб кетган пахта далалари, ғалла майдонлари, боғ-роғлар ажиб манзара касб этади.**



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

– 2002 йилда олти гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этиб, 4 нафар киши билан иш бошлаган эдик, – дея пастликдаги экин майдонларини кўрсатади фермер. – Ҳозир ер майдонимиз 82 гектарга, хўжалигимиз аъзолари 45 нафарга етди. Техника ва механизмларимиз сони ўнтадан ошди. 25 гектар ерга ғўзанинг "Наманган-77" навини эканмиз. 30 гектар майдонда эса буғдойнинг "Восток" навини парваришладик. 12 гектар майдонда озуқа экинлари экилган.

Фермер билан хўжалик далаларини айландик. Ғўза ниҳоллари баравж ривожланмоқда. Жавзонинг иссиқ тафти, қолаверса, ғўза қатор ораларига ишлов берилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Механизатор Ҳабибулло Оботов билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди.

– Бугунги ишловнинг аҳамияти катта, – дейди у. – Чунки жорий йил иқлим талабидан келиб чиқиб, озуқани айни вақтда бераётирмиз. Ишлов эса ғўза озуқани яхши ўзлаштиришига ёрдам беради. Ғўза қатор ораларига минерал ўғитлар солиб, экинларни озиқлантириб бўлдик. Шунингдек, дала бошига гектарига 20 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариб қўйдик. Бу кейинги амалга ошириладиган муҳим тадбир – ғўзани "шарбат усули"да суғоришда ниҳоятда асқотади.

"Мунчоқтепа" фермер хўжалиги нафақат пахта, ғалла, пиллачилик соҳаларида, балки қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири – чорвачилик бўйича ҳам қатор ютуқларни қўлга киритиб келаётир. Айни пайтда мазкур фермер хўжалигида 173 бош қорамол боқилмоқда. "Гольштен-фриц" зотли ушбу молларнинг 40 боши 2009 йилда, 33 боши эса 2011 йилда Германиядан олиб келинган эди. Зотли ғунажинлардан соғлом бузоқ олиш ҳисобига чорвачилик комплексидаги наслли сигирлар сони айни пайтда 110 тани ташкил этмоқда. Соғин сигирлардан йилига 200 тоннадан ортиқ сут соғилади. Олинган маҳсулот шартнома асосида "Nestle" қўшма корхонасига етказиб берилади. Шунингдек, фермер хўжалигида балиқчилик, паррандачилик йўналишларида ҳам муҳим ишлар амалга оширилаётир. Фермер томонидан қишлоқ гузарида ун тегирмони, сартарошхона хизмати йўлга қўйилганлиги эса хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам ривожланаётганидан далолат.

Хўжалик тасарруфидаги ҳар қарич ер назардан четда эмас. Кичкина жойдан ҳам катта даромад олишга ўрганган хўжалик аъзолари томонидан экин четларига 250 тупдан ортиқ мевали ниҳоллар ўтқазилган. Турли хил сабзавотлар, полиз экинлари тартиб билан жойлаштирилган.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ – ТЕЖАМКОР, САМАРАЛИ УСУЛ

## УНИ АЛОҲИДА ИМТИЁЗ АСОСИДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аграр соҳада, хусусан, ирригация тизимида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада фермер хўжаликлари учун бир қатор қулайликлар яратилиши баробарида сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштирилиши ва уни ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши эса бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлувчи саъй-ҳаракатлар натижасидир. Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, фермер хўжаликлари томонидан сув истеъмолида тежамкорликни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг кўп тармоқларда фаолият олиб боришини таъминлаш, ҳуқуқлари ҳимоясини янада кенгайтириш ва фаолиятида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилганларга маълум имтиёзлар бериш қонун лойиҳасида назарда тутилади. Шунингдек, қонун лойиҳасига асосан томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган юридик шахслар Солиқ кодексининг 367-моддасига киритилаётган қўшимчага кўра, мазкур тизимни жорий қилган ойдан бошлаб, томчилатиб суғориладиган ер участкаси бўйича беш йил муддатга ягона ер солиғини тўлашдан озод қилинади.

Қонун лойиҳасига бу нормани киритишдан мақсад сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бу борада янада тежамкорликка эришишдан иборат. Чунки кейинги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларига бўлган талаб ортгани ҳолда, сувнинг тақчиллиги йилдан-йилга ошиб боряпти. Шу боис, сув ресурсларини тежаш мақсадида мустақиллик йилларида пахта, шоли каби сувни кўп талаб қиладиган экин майдонлари қисқартирилиб, бошоқли дон, сабзавот-полиз экинлари экилиб, боғ ва узумзорлар кенгайтирилмоқда.

Сувни тежамкорлик билан ишлатишни янада яхшилаш мақсадида 2010 йилдан бошлаб сув истеъмолчилари уюшмалари ташкил этилиб, фермер хўжаликларига гидрогеографик сув тақсимотининг қўлланилиши сув исрофининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг республикамизда узумчиликни янада ривожлантириш борасидаги қарори қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишларнинг кенг миқёсда ривожланишига имкон яратади. Мазкур Қарор асосида 2014 йилда Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги сув билан таъминланиш даражаси паст бўлган ғалла майдонлари ўрнида 11 минг гектар янги узумзорлар барпо этилиши белгилаб берилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ер майдонларида суғориладиган ерларнинг чегараланганлиги ва сув ресурсларининг тақчиллиги сабабли тоғ, тоғолди ва лалми ҳудудларда сувни тежайдиган замонавий технологияларни қўллаган ҳолда интенсив боғ ва узумзорлар яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, сувни янада тежамкорлик билан ишлатиш учун жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилмоқдаки, бундан нафақат фермер ва деҳқонлар, балки уларга хизмат кўрсатувчи ирригация тизими ташкилотлари ҳам катта молиявий тежамкорликка эришиши мумкин. Бунга мисол тариқасида эгатга плёнка тўшаб суғориш, тупроқ остидан суғориш технологиясини қўллаш, ёмғирлатиб суғориш ва ўқариқлар ўрнига эгилувчан плёнка қувурлардан фойдаланиб, томчилатиб суғориш технологияларини айтиб ўтишимиз мумкин.



Таъкидлаш жоизки, булар орасида энг самаралиси экинни томчилатиб суғориш технологияси ҳисобланади. Чунки мазкур технология бизнинг иқлимга жуда мос келади ва иқтисодий жиҳатдан ҳам ўзини оқлайди. Масалан, Наманган вилояти Уйчи туманидаги "Жамолиддин Сардор Ҳамкор" фермер хўжалиги 2011 йилда 5 гектар тошлоқ ер майдонида пахта экиб, ғўзани мавсум давомида 7 маротаба томчилатиб суғорган. Натижада ҳар гектар ердан 46,2 центнердан ҳосил олиб, ариқдан суғорганга қараганда гектарига 18,4 центнердан кўп ҳосилдорликка эришган.

Фермер томчилатиб суғоришда 1 гектар ерга мавсум давомида 1422 $м^3$ сув сарфлаган бўлса, бу кўрсаткич оддий усулда суғорганда 3905 $м^3$ ни ташкил этган. Томчилатиб суғорганда ҳар гектар ер майдонидан 64 фоиз сув иқтисод қилган. Бундан ташқари, томчилатиб суғорилган ер майдонида культивация ишлари амалга оширилмаганлиги, ўғит сувга қўшиб берилганлиги сабабли моддий ресурс ва меҳнат харажатлари ҳам бир неча маротаба камайган.

Томчилатиб суғориш усулини боғдорчилик, узумчилик ва мева-сабзавотчилик йўналишларида қўллаган фермер хўжаликлари ҳам сув истеъмолида бир неча баробар тежамкорликка эришиши мумкин. Бу кўрсаткич олма етиштиришда 60, шафтоли боғида 32, узумзорда 30, мева-сабзавотчиликда эса 54 фоизни ташкил этади. Бу ерда, албатта, экин майдонининг шимол ё жанубда жойлашганлиги, ернинг қумлоқ, тошлоқ ёки шўрланганлик даражасига қараб сув истеъмоли бироз кўп ёки камроқ бўлиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш сув тақчиллиги йил сайин ортиб бораётган бир вақтда фермер хўжаликларининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишлари, ирригация тизимида замонавий технологияларни кенг жорий этиш учун қўшимча шароитлар яратиш имконини беради.

**Фахриддин КОМИЛОВ,**
**Жўрақўзи ҚЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари.**

Фарғона Вилояти

АСАЛАРИЧИЛИК

# ЭЛ ОҒЗИГА БОЛ ТУТАЁТГАН ФЕРМЕР



**Қувасой шаҳридаги "Толибжон Ғанижон" асаларичилик фермер хўжалиги маҳсулот ҳажмини йилдан-йилга кўпайтирмоқда.**

Тажрибали асаларичи Ғанижон Йўлдошев раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалигида ўттизга яқин ишчи меҳнат қилади. Айни кунларда фермер хўжалигида 190 қути асалари парваришланмоқда. 2012 йил 3 тонна асал етиштирилган фермер хўжалигида жорий йилда бу кўрсаткични 5 тоннага етказиш режалаштирилган.

**СУРАТДА:** *"Толибжон Ғанижон" фермер хўжалиги раҳбари Ғанижон Йўлдошев ўғли Расул билан.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Эълонлар

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

## I. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Наманган вилояти Норин тумани Ҳаққулобод шаҳри Ўзбекистон кўчасида нотариал идораси билан ФҲДЁ бино қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан 562 421 092 сўм, ҚҚСсиз 468 684 243 сўм.

**Якунлаш муддати** – 2013 йил 31 декабрь.

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри Лутфий кўчаси 6-уйда жойлашган Наманган вилояти адлия бошқармаси. Тел.: (8-369) 226-36-62, факс 226-68-66.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Наманган вилояти адлия бошқармасининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

## II. «ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг Наманган вилояти филиалининг Наманган шаҳри Машраб кўчасидаги биносини мукаммал таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан 360 902 656 сўм, ҚҚСсиз 300 752 213 сўм.

**Якунлаш муддати** – 90 кун.

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри Машраб кўчаси 3-уйда жойлашган "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Наманган вилояти филиали. Тел.: (8-369) 226-16-41, факс 226-31-63.

**Лойиҳани молиялаштириш:** "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафиллигига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг маркази** қуйидаги манзилга: Наманган шаҳар Навоий кўча 22-уй. Тел.факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўча 22-уй.

*ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!*

## ГОСУДАРСТВЕННОЕ НАЛОГОВОЕ УПРАВЛЕНИЕ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА:

Строительство административного здания налоговой инспекции Дехканабадского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 937.339.000 сум без НДС, 1.124.806.900 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 25 мая 2014 года.

Финансирование осуществляется за счет: **Госбюджет.**

Заказчик: ***Государственное налоговое управление Кашкадарьинской области.***

***Адрес:*** г.Карши ул. Узбекистон дом 805. Тел: (8-375) 225-08-22.

- при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса.

Предприятия и организации, выступавщие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников, конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов – **Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве,** по адресу: г.Карши Ханабадское шоссе дом 46а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов — 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу — г. Карши ул. Узбекистон дом 805.

ООО "SKY EAST AERO" (ИНН 302015524), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на (реестр № 007465-08, 11.11.2011 г.), расположенное по адресу: Чиланзар кв-л 16 д. 4 кв-ра 47, ликвидируется (протокол собрание учредителей № 3 от 17.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 369-55-98.

ООО "CHUDO-TORT" Чиланзарского р-на г. Ташкента (ИНН 302449657) сообщает об уменьшении уставного фонда с 20 000 000 сум до 8 000 000 сум.

ООО "TADQIQOTCHI" (ИНН 302157260) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на (№ 09-000074 от 13.12.2001 г.), расположенное по адресу: ул. Навои д. 2А, ликвидируется (протокол собрание учредителей от 14.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: 121-76-79.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Бешариқ тумани ҳокимининг 2013 йил 3 июндаги №172/02-01-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Узун қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 75 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 834 сўм.

**2.** Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ва ошхона қуриш учун Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Узун қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 75 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 834 сўм.

**3.** Автомобилларни ювиш ва енгил техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Бешсари ҚФЙ Чимбой қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 445 сўм.

**4.** Сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш учун Бешариқ тумани Рапқон ҚФЙ Рапқон қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 1 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 413 340 сўм.

**5.** Сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш учун Бешариқ тумани Қоражийда ҚФЙ Наби қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 2 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 757 790 сўм.

**6.** Савдо дўкони қуриш учун Бешариқ тумани Қашқар ҚФЙ Янги қўрғон қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 60 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 976 сўм.

**7.** Маҳалла гузари қуриш учун Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Увада қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 1 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 413 340 сўм.

**8.** Иссиқхона қуриш учун Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Узун қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 800 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 199 680 сўм.

**9.** Савдо дўконига қўшимча бино қуриш учун Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Сартол қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 49 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 16 878 сўм.

**10.** Қўйхона қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ ҚФЙ Деҳқонтўда қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 2 500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 624 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бешариқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 22 июль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бешариқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 23 июль куни соат 13:00 да очилади, 2013 йил 23 июль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали амалиёт бўлимидаги: МФО: 00497, СТИР: 207122519, 20208000004920609011 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуидаги хужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-69, rieltsavdo@inbox.uz. www.1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

*Сотиб олинг ва эгалик қилинг!*

## «EKSPRESS INFORM SAVDO» РИЭЛТОРЛИК АГЕНТЛИГИ СИЗЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 14 июндаги 89/ас-ер сонли буйруғига асосан 2013 йил 19 июль куни соат 10:00 да Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уйда ўтказиладиган очиқ Аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидаги объектлар қўйилмоқда: Наманган вилояти Уйчи тумани Уйчи шаҳарча Беруний маҳалласи ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 1 дан 4 гача жами 4 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 284 000 (Икки юз саксон тўрт минг) сўм, закалат пули 150 000 (Бир юз эллик минг) сўм.

Ер майдонлари ва бино иншоотлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария - экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, канализация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасинииг бошқа ўзига хос шартлари каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уй (Мўлжал: Ўзагросуғурта Наманган филиали биноси ёнида)га мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон (8-369) 226-20-23.

2013 йил 19 июль кунларидаги очиқ аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 2013 йил 26 июль ва 2, 9 август кунлари соат 10:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун закалат пулини "EIS" МЧЖнинг "ЎзСаноатҚурилишбанк" Наманган филиалидаги, МФО 00224, СТИР 302118546, 20208000204940071001 ҳисобрақамига тўлашлари шарт: Телефон (8-369) 226-20-23, 226-14-62.

***Лицензия RR-0086***

"SARDOR PLUS TRANS" МЧЖга тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план квартиры, расположенное по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н м-в Феруза д. 1 кв-ра 48, выданный кадастровой службой М.Улугбекского р-на на имя Саиджалолова Гуломжона Исломжоновича, считать недействительным.

Утерянные планы квартир, расположенных по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н Ц-4 д. 25 кв-ры 5 и 8, выданные кадастровой службой Юнусабадского р-на на имя Файз Сусаны Джалаловны, считать недействительными.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н массив Чиланзар-6 д. 38 кв-ра 33, выданный кадастровой службой Чиланзарского р-на на имя Мухиной Дарьи Сергеевны, считать недействительным.

Утерянный диплом В № 028574, выданный в 2000 г. Ташкентским Финансовым Институтом на имя Абаева Ильдара Рашидовича, считать недействительным.

Тошкент вил. Ўрта Чирчиқ т.га қарашли 11-умумтаълим мактаби томонидан 2008 й.да Қодиров Бунёд Собирович номига берилган O'R-SN № 0919017-сонли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧП "PREMIUM SERVIS" (СТИР 202244077) сообщает об изменение формы собственности и реорганизации в ООО "PREMIUM SERVIS" с переходом всех прав и обязательств от ЧП "PREMIUM SERVIS" к ООО "PREMIUM SERVIS", а также уменьшается уставной фонд с 58 869 452 сум до 30 220 030 сум.

Чилонзор т. ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "SHABODA TRANS" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план квартиры, расположенное по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н 4-массив д. 28 кв-ра 73, выданный Сергелийским БТИ на имя Жауровой Клары Андреевны, считать недействительным.

ООО "VNESHSPETSSTROYSERVIS" (ИНН 300460702), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 002544-03 от 22.05.2007 г.), расположенное по адресу: Буюк Турон д. 73 кв-ра 101, ликвидируется (Протокол № 7 от 14.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (реестр № 004678-03, 29.06.2010 й.) "SAM GUN CONSTRUCTION" МЧЖнинг номи "KSEONG TECHCONSTRUCTION" МЧЖга ўзгараётганлигини маълум қилади. Даъволар 1 ой муддат ичида 252-35-64 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Навоий Вилояти

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# НУРОТАНИНГ НУРЛИ БОҒИ



**Нурота мамлакатимиздаги кўҳна шаҳарлардан бири. Уни мағрибу машриқда ҳам билишади. Бухоролик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар Наршахий X асрда ёзган "Бухоро тарихи" асарида шундай маълумот беради:**
**"Нур катта ва гўзал жой, унда масжиди жоме бор. У кўпгина работларга эга. Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар... Бу Нурни бошқа вилоятларда "Нури Бухоро" дея айтадилар".**

Мустақиллик даврида бу қадимий шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада Нурота ҳар жиҳатдан обод ва кўркам, шукуҳли ва саодатли масканга айланди. Денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган муқаддас "Чашма" табиий меъморий мажмуасининг мукаммал таъмирланиши, янги замонавий иншоотларнинг барпо этилиши, кўчаларнинг кенгайтирилиши, сўлим боғ-роғларнинг барпо этилиши шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Бугун меъморий мажмуанинг бир бутунлигига хизмат қилувчи Нур чашмаси, Нур қалъаси, IX аср ёдгорлиги "Чилустун" жомеси, XVI асрга оид ёдгорлик "Панжавақта" катта гумбаз масжиди, Нургул бинти Абулҳасан қабри, Нургулато қудуғи ва Мадраса ҳужраларидан зиёратчилар қадами узилмайди.

Кўҳна шаҳарнинг ҳар бир хонадонидаги, ҳар бир маҳалласидаги ободлик ва орасталик, давом этаётган эзгу ишлар ҳавас қиларли даражада. Обод турмуш йили муносабати билан "Чашма" меъморий мажмуаси ёнида ажойиб боғ яратилгани янада қувонарли. Унинг барпо этилишида тумандаги барча ташкилоту корхоналар, умумтаълим мактабларию касб-ҳунар коллежлари, маҳалла ва бошқа муассасалар жамоалари жонбозлик кўрсатишди.

– Бу маскан ҳадемай энг кўркам, энг файзли боғлар қаторидан ўрин эгаллайди, – дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлинмасининг раиси А.Раҳимов. – Кўпгина ташкилотларда меҳнат қилганман. Туманнинг кўплаб раҳбарлари билан бирга ишлаганман. Аммо ҳалигача бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кўрмаганман. Кўримсиз бир майдон қисқа фурсатда гўзал боққа айландики, энди унинг чиройига, латофатига сўз ожиз. Вилоят ва туман ҳокимлиги бунёдкорлик юмушларига бош бўлгани кўп савоб иш бўлди.

Нурота чашмаси узра ҳар кун эрталабки қуёш таъсирида товланадиган беҳисоб сержило нурлар нақ мўъжизанинг ўзи. Чашмадаги балиқларнинг сув юзасига кўтарилиши баробаридаги қувноқ рақслари эса мўъжизага янада жозиба қўшади, одам зотини сеҳрлаб, унга куч-қувват, юқори кайфият ато этади. Гўзал боғда барпо этилган фусункор фаввора эса тўққиз рангда жилоланади. Бу эса ўз-ўзидан Нуротанинг ҳар бир файзли оқшомига нур ато этиб, унинг қадрини сарбаланд этади, одамларнинг руҳиятини кўтаради.

– Ушбу боғни барпо этишга 1 миллиард 380 миллион сўм маблағ сарфланди, –дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Юсуф Турсунов. – Ушбу маблағнинг 700 миллион сўмдан кўпроғи рангли фаввора қурилишига сарфланди. Яна қанчадан-қанча ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилди. Чашмамиз каби туманимизнинг ифтихорига, ғурурига айланиб бораётган бу боғда ҳар бир нуроталикнинг яратувчанлик ҳисси, кўнгилли меҳнати, қалб меҳри бор.

Нурота чашмасининг файзу шукуҳи уфуриб турган боғнинг тароватин бугун барчани мафтун этмоқда. У халқ ҳордиқ чиқарадиган ажойиб масканга айланди. Замонавий фавворанинг жилоси, кўм-кўк майдончалар, турфа кўчатлару гуллар чиройи, равон йўлаклар, жозибали ранго-ранг чироқлар жилваси Нуротага ташриф буюраётган сайёҳларни ҳам лол қолдирмоқда.

Ҳа, 3,5 гектар майдондаги бу сўлим оромгоҳ бугун каттаю кичик ҳар бир нуроталикнинг энг севимли, энг қадрли масканларидан бирига айланди. Бу ерда эртаю кеч одамларнинг, айниқса, ёшларнинг сайр этиб юрганига гувоҳ бўласиз. Улар игна баргли дарахтлару турфа гуллар билан безалган хиёбоннинг ҳар қаричи, ҳар бир йўлагидаги ўзига хос гўзаллик, файзу тароватдан, фавворалардан тараладиган сувларнинг қуёш нурида товланишидан баҳра олишади, жонажон шаҳарларининг кун сайин гўзаллашиб, кўркамлашиб, обод манзилга айланиб бораётганидан ғурурланишади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи – мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган «**Энг улуғ, энг азиз**» анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга «**Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!**" деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда:

мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлиги кенг очиб берилган;

халқимиз ўтган даврда ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, қишлоқ аҳлига муносиб турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини топган;

халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
- **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
- **тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**
- **кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Реклама ва эълонлар










Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (27.05.2013 й., реестр № 005836-01) рўйхатдан ўтган "SOREIX-MERI DYEN" МЧЖ (ИНН 302620327) номи "SOREIX-SOLID"га ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MAMUT AXAY TAOM" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "MAMUT AXAY TAOM" МЧЖга ўзгартирилади. Тел.: 970-87-06.

Утерянный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н ул. Саадий-115-1, выданный Сергелийским БТИ на имя Каримова Рози Убайдуллаевича, считать недействительным.

"Тошкент ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "JAVOHIRBEK-IBROHIMBEK FAYZ BARAKA" хусусий корхонасига берилган 6-199/2012 реестр рақамли ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси (19.06.2012 й., ТА 1509145/15125-64) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.




Паррандачилик фермалари (фабрикалари), балиқчилик хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Қуйидагиларни сотамиз:
- Суяк ва гўштли суяк уни (товуқ учун).
- Натрий гипохлорит (суюқ ҳолатда) ва кальций кукуни.
- Пойдеворда ва том ёпишда қўлланиладиган муҳофазаловчи материал – полиизол (фольгоизол).
- Кир ювиш кукуни, идиш-товоқ ювиш учун гель.

«ODDE-AG» Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. моб. +99890 925-99-40 тел. +99871 279-40-30 Факс: +99871 120-70-30 E-mail: odde@mail.ru

Маҳсулотлар сертификатланган.



Прессподборшик машиналарида қўлланиладиган сомон, хашак боғловчи (сеновязальный) полипропилен шпагати пул кўчириш йўли билан сотилади.

Маҳсулот корхонамиз ва "Ўзстандарт" лабораторияларида синовдан ўтказилган, сертификатлаштирилган.

Маҳсулот сифатига кафолат берамиз.

Хизматлар лицензияланган.

Тел.: (+99893) 382-89-14, 550-75-79.

bizplan.uz Сут чорвачилиги

Сигирларингиз соғимини оширишни истайсизми? Фермангиз даромадиничи?
**У ҳолда бизга мурожаат қилинг!**

«Yuldosh Consult» МЧЖ **Bizplan.uz** қуйидаги хизматларни сизга таклиф этади:

- Сут фермаси учун бизнес режа ишлаб чиқиш, прогноз муддати 5 йил, прогнозлар бўйича ойма-ой шарҳ берилади.
- Лизинг ва кредит топиш ва расмийлаштириш масалаларида кўмаклашиш.
- Хориждан зотдор молларни танлаб, олиб келишда кўмаклашиш.
- Кичик фермалар (соғин сигирлар сони 5 тадан 50 тагача) учун бизнес режа шаблонлари.
- Асбоб-ускуна, машина механизмлар излашда кўмаклашиш: соғиш ускуналари, соғиш тизимлари, ем тайёрлаш ва фермадаги ишлар учун қишлоқ хўжалиги техникаси.
- Қорамол касалликларини олдини олиш ва улар билан курашиш (маститлар, туёқ касалликлари, ёш молларда учрайдиган касалликлар).
- Йирик қорамолларни озиқлантириш учун энг мақбул рационлар ишлаб чиқиш.



Тўлов исталган шаклда, шу жумладан, Paynet тўлов тизими орқали амалга оширилади.
+99871 1405424; +99891 1624209; +99891 1624208 info@bizplan.uz
Гувоҳнома № 003759




Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021
9 772010 702007

ТЕЛЕФОНЛАР:
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-47, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.15
22026 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5